Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 14 ноябр, сешанба | № 46 (198) | Сотувда эркин нархда

ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ КАФОЛАТИ

"Конституциямизнинг халқаро демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало, унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга каратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, асосий қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини мухрлаб қўйгани ҳақида гапиришимиз керак".

Ислом КАРИМОВ

Конституциямизнинг 8 йиллиги олдидан

Дарҳақиқат, давлатимизнинг бош Қомусида мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозусида тортиб кўриб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан биридир. Демократия тушунчаси ҳам айнан Конституция ва қонунлар доирасида фуқароларнинг эркин яшаши демакдир. Конституция асосан ҳуқуқий давлатнинг асосини, пойдеворини ташкил қилади.

Конституциямизнинг 2-моддасида давлатнинг асосий вазифаси ҳақида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансбадор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деб кўрсатилган. Демак, халқ ишониб сайлаган ва халқ номидан Президентимиз томонидан тайинланган давлат органларидаги мансабдор шахслар жамият олдидаги масъулиятларини янада чуқурроқ англаб етишлари лозим. Конституциянинг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари деб юритилувчи 2-бўлимида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ҳамда фуқароларнинг бурчлари тўлиқ ёритиб берилган. Шу ўринда айтиш жоизки, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилар экан, фуқаролар ҳам давлат олдидаги ўз бурчларини бажаришлари зарур. Чунки Конституциянинг 47-моддасида барча фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариши кераклиги белгиланган.

Республикамизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва амалдаги қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бу қоида Бош Қомусимизнинг 15-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, фуқароларнинг асосий бурчларидан бири ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлари ҳамда бурчларини бажаришлари жараёнида ўзгаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлигидадир.

Шунингдек, халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаш, она Ватанимизни ҳимоя қилиш ва қонунда кўрсатилган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ кабилар ҳам фуқароларимизнинг асосий бурчларидир.

Конституциямизнинг оила деб номланувчи 14-бобида ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги кўрсатилган. Қолаверса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларнинг Конституциядан ташқари қонунлар билан белгилаб қўйилган бир қанча бурчлари мавжуд. Улар жумласига масалан, меҳнат қонунларига кўра ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида, аниқ бажариши ҳамда унинг мол-мулкини авайлаб-асрашлари шарт. Бундан ташқари, Оила Кодексида ҳам оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларини бажаришларидан оиланинг бошқа аъзолари ҳамда ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини бузмасликлари белгилаб қўйилган.

Албатта, фуқароларнинг ўз бурчларини адо этмасликлари турли жавобгарликларга тортиш ва жазолашларга олиб келади. Булар жумласига масалан, ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш каби ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Жиноят Кодексига асосан жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш, суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ёлғон кўрсатма бериш ва тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир, ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик каби ҳаракатлар жиноят ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва содир бўлган жиноятнинг ўз вақтида очилиши учун ёрдам бериш ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчи десак, хато бўлмайди. Шундай экан, Конституциямизда белгиланганидек, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир". Бу ҳуқуқий меъёрнинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир фуқаро республикамиз манфаатларини, унинг қудратини, обрў-эътиборини ҳар хил жиноят ва тажовузлардан ҳар томонлама ҳимоя қилиши лозим.

Маълумки, бугунги кунда терроризм балоси бутун дунё мамлакатларини безовта қилмоқда. Террорчиларнинг асосий мақсади эса халқнинг тинч-фаровон ҳаётини таъминлаб турган конституцион тузумга қарши кураш ва ҳокимиятни шу йўл билан эгаллашдир. Шу ўринда айтиш лозимки, конституциявий тузум бу энг муқаддас саналади. Бу миллионларнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш негизидир. Конституциявий тузум — халқларнинг тинч тараққиёт йўлида ҳаёт кечиришининг кафолатидир. Ҳеч бир давлатда уни қоралашга ва унга тажовуз қилишга йўл қўйилмайди. Жумладан, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳси умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари кўрсатилган. Бунга кўра қонунийлик, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги ва жазонинг муқаррарлиги асосий принциплардан иборат эканлиги, огоҳлик чораларининг устуворлиги белгиланган. Бундан ташқари Қонун лойиҳасининг 6-моддасида "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашишлари ва зарур ёрдамни беришлари шарт" деб кўрсатилган.

Биз қураётган қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятда Конституциямиз эркин ҳаётимиз ва фаровон турмушимизнинг кафолатидир. Биз фақат ўз ҳуқуқларимиздан тўла фойдаланган ҳолда бажаришимиз лозим бўлган бурчларимизни ҳам унутмасак бас...

Генжемурат ПИРЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

ДЎППИ ТОР КЕЛГАЧ...

Ўзбекистон Олий Судида террорчилик, кўплаб қотилликлар содир этиш, мамлакат Президенти ҳаётига суиқасд ҳамда давлатнинг конституциявий тузумига дахл қилишда айбланаётган қуролли жиноятчи гуруҳлар бошлиқлари устидан олиб борилаётган суд жараёни ниҳоясига етмоқда.

Айбланувчиларнинг 12 тасидан фақат уч нафаригина қора курсида ўтиришибди. Бош "доҳийлар", жумладан, Жумабой Ҳожиев (Жума Намонгоний), Тоҳир Йўлдошев ҳамда кўпроқ Муҳаммад Солиҳ номи билан танилган "адиб" Салай Мадаминовлар дўппи тор келгач, чет элларда қочиб юришибди.

Суд мобайнида 700 дан ортиқ жабрланувчи, жумладан, давлат автомобил инспекцияси майорининг икки ўғли ҳам кўрсатма бериб бўлишди. Судланаётганлардан бири бошчилик қилган жиноий гуруҳ аъзолари майорни ваҳшийларча ўлдириш билан кифояланмай, танасидан жудо қилинган бошни целлофан қопчага солиб, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари яшаётган уй дарвозасига илиб кетишган. Етим қолган икки ўсмир бу мудҳиш фожиадан ҳали-ҳануз ўзларига келишолмайди.

Мустақил ҳуқуқшуносларнинг фикрича, судга тақдим этилган ҳужжатлар, гувоҳлар берган кўрсатмаларнинг ўзиёқ айбланувчилар устидан аёвсиз ҳукм чиқаришга, айни пайтда уларни тутиб топшириш ҳақидаги илтимоснома билан дунёдаги барча мамлакатлар ҳукуматларига мурожаат қилишга тўла асос бўлади.

Буни яхши тушунган жиноятчи гуруҳлар раҳбарларининг айримлари янада ишончлироқ бошпана қидиришга мажбур бўлаётган бўлса, баъзилари жон талвасасида ўзларини мусичаи беозор қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Жумладан, ўзини демократик мухолифат раҳбари, деб жар солаётган Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) яқинда Ўзбекистон ҳукумати унинг ҳаёти хавфсизлигига кафолат берса, адвокатлари билан судда ҳозир бўлишга тайёр эканлиги ҳақида баёнот берди.

Мазкур суд жараёнига раислик қилаётган, Олий Суд Раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамоловдан мен Салай Мадаминов баёнотини шарҳлаб беришни сўрадим.

- Бу ҳақда ҳеч ким судга расман мурожаат этмаган, - деди у, - демак, баёнотни шарҳлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Саволингизга келсак, унга қуйидагича жавоб беришим мумкин: ҳар бир судланувчига жиноят-процессуал қонунчилигининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган Халқаро ҳуқуқ ва Декларацияларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли барча меъёрлари қўлланилиши кафолатланади.

Валерий БИРЮКОВ.
("Труд" газетасидан олинди)

Соғлом авлод йилида Жомбой туман ФҲДЁ бўлими жамоаси 600 та никоҳ ва 8 та кумуш тўйларининг тантанали ўтишида бош-қош бўлишди. Маиший хизмат кўрсатиш коллежи ва бошқа билим масканлари ўқувчилари билан қизиқарли суҳбатлар олиб боришди.

Суратда: (ўнгдан) туман ФҲДЁ бўлими мудираси Меҳри Жамилова, туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси Ҳафиза Усарова, Шавкат Абдуғаффоров, Равшан Норқулов каби ёш оила бошлиқлари билан Оила Кодекси хусусида ўзаро суҳбатлашишмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси хўжалик юритувчи субъектларда шартнома мажбуриятлари ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи Қаҳрамон Хайруллаев етакчилигида бир гуруҳ ҳуқуқшунослар Оқдарё, Пайариқ туманларида бўлиб, оилавий пудратчиларнинг манфаатларини кўзлаб, 10 та даъво ариза киритишди.

Суратда: вилоят Адлия бошқармаси ходимлари Қаҳрамон Хайруллаев, Комил Баҳриддинов Булунғур туман "Ипак йўли" ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Бахтиёр Ҳамроев билан ички шартномалар аҳволини таҳлил қилишмоқда.

УШБУ СОНДА:

СОҒЛОМ АВЛОД – БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

... ақлан ва руҳан соғлом инсонда ғайирлик, дўстга душманлик, Ватанга хиёнат ҳислари бўлмайди. Айниқса-,ёшларни шу каби иллатлардан сақлаш лозим.

2-бет

ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК

бер, деб қарияларимиз беҳудага Оллоҳдан сўрашмайди, чунки инсоннинг барча эзгу истаклари шунга боғлиқ

3-бет

ШИРИН ТАОМЛАР ВА БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

4-бет

Адлия ва қонун ҳимоясида

ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ

2-МАҚОЛА

ФЕРМЕРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШДА "АДАШУВ"ЛАР

Ҳайрон қоласиз: баъзида ҳамма ҳужжатлари таппа-тахт ва монелик қилувчи ҳолат бўлмаса-да, фермерни давлат рўйхатидан ўтказиш чўзилгандан-чўзилаверади, аммо баъзида унинг акси...

Масалан, Нишон туман ҳокимлиги 28 апрелда "Чориев Шуҳрат" фермер хўжалигини бирор ҳужжат ёки тегишли комиссиянинг хулосасисиз, фақат бир варақ аризиси асосида давлат рўйхатидан ўтказган. Сабабини эса тушунтириб беришолмади (?)... Шу ерда "Усмон", "Барака-Т" фермер хўжаликларининг аризалари кирим рўйхатига олинмасдан, маҳаллий тўлов ҳужжатларисиз кўриб чиқилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган. Бир қатор фермерларга ерни ижарага бериш муддати ҳам кўрсатилмаган.

Худди шундай аҳвол Косон тумани ҳокимлигида ҳам кузатилди. Устига-устак бу ерда "Мансур" фермер хўжалиги 112 кун кечиктириб рўйхатга олинган.

Шаҳрисабз туман ҳокимлиги "Қалдирғоч" фермер хўжалигини рўйхатга олишни 1 йил 4 ой чўзгани етмагандай, керакли ҳужжатларсиз фермерни рўйхатга олиш ҳақида қарор чиқарган. Бундай ёндашувни нисбатан олганлар адолат тарозуси бузилганлигини таъкидлашлари аниқ. Қайд этиладики, юқоридагидек аҳвол бошқа вилоятлар туман ҳокимликлари фаолиятида ҳам учраяпти. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

ҲИСОБ РАҚАМНИ ҚАЙСИ БАНКДА ОЧАЙ, ҲОКИМ БУВА?

Тадбиркорга қонун ўз ҳисоб рақамини қайси банкда очиши ва маблағини кимга ишониб топшириши эркинлигини берган. Аммо Қашқадарёда уларнинг бу ҳуқуқини чекловчи ҳаракатлар аниқланди.

Масалан, Деҳқонобод туман ҳокимлиги "Мухтор" хусусий фирмасини рўйхатга олиб, ўз қарорида унинг ҳисоб рақами "Пахтабанк"нинг туман бўлимида очилиши "юклатилган". Шу ерда "Давронбек", "Шуҳрат-1", "Кичик Авжун" каби хусусий фирмаларни рўйхатга олиш ҳақидаги қарорларда ҳам худди шундай бандлар мавжуд.

Бундай ноқонуний чеклашлар Нишон ва бошқа туман ҳокимликлари қарорларида ҳам учрайди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ТУГАТИШДА ҲАМ "ЭГА-КЕСИМ" БОР

Тадбиркор, фермер ва бошқа хўжалик юритувчи хусусий мулк эгалари фаолиятини тугатишнинг аниқ тартиби қонунларимизда белгиланган. Бунда асосан таъсисчиларнинг йиғилиши ёки суд қарори билан тугатиш комиссияси тузилгач, унинг хулосасидан сўнг амалга оширилиши акс этган. Аммо...

Қарши шаҳар ҳокимлигида бу тартибга риоя қилмаган ҳолда "Садоқат", "Иссиқлик тармоқлари", "Абду-Бурхон", "Шоҳида", "Ғанишер", "Гладиолус", "Латекс" каби хусусий фирма ва масъулияти чекланган жамиятларни тугатиш ҳақида қарор чиқарган.

Косон туман ҳокимлиги туман статистика ва ҳисоблаш Марказининг "ҳисоботларни ўз вақтида топширмади" деган хати асосида, мутлақо қонунсиз равишда 12 та кичик корхона фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор чиқарган. Бу билан қонун талаби ҳам, корхонанинг ва таъсисчиларнинг ҳам ҳуқуқи поймол этилган.

Нишон ва бошқа туманларда ҳам шунга ўхшаш, қонунга хилоф иш тутишлар аниқланди.

Рўйхатга олиш ва ёрдам кўрсатишдан ташқари, тадбиркорнинг фаолиятини тугатишда ўта эътиборли бўлиш лозим, зеро, бу ишда юзакичиликнинг оқибатлари оғир кечишини эсдан чиқармаслик керак.

"АРЗИМНИ ЭШИТИНГ, ИЛТИМОС!"

Энг муҳими, тадбиркорларнинг фаолияти ҳақида, уларга оид хабар, ариза ва шикоятлар ҳокимликларда қатъий рўйхатдан ўтказилиши, "Мурожаатлар тўғрисида"ги қонун талаби доирасида чуқур ўрганилиши ва муддатида ҳал қилиниши лозим. Аммо...

Шаҳрисабз туман ҳокимлиги Б.Эргашевнинг хусусий савдо дўкони қуриб битказгани ва уни ўз номига расмийлаштириб беришни сўраб берган аризаси рўйхатга олинмасдан ётавериб, 9 ойдан сўнг ҳал қилинган. Шу ерда З.Жўраевнинг худди шундай мазмундаги аризаси 70 кундан сўнг кўрилган.

Китоб тумани ҳокимлиги Р.Раҳметовнинг ёнилғи қуйиш шаҳобчаси эгаллаб турган жойни хусусийлаштириб бериш хусусидаги аризасини ҳал қилиш асоссиз равишда 5 ойдан ошиқ "чўзилган". Шу ерда Б.Абдуллаевнинг хусусий дорихона қуриш ҳақидаги аризасини ҳал қилишга 8 ой, А.Ҳасановнинг хусусий шифо маскани қуришга ер ажратишни сўраб берган аризасини ҳал қилишга 11 ой, А.Раҳмоновнинг сартарошхона қуриш учун ер ажратиш хусусидаги аризасини кўришга 7 ой "вақт кетган".

Нишон туман ҳокимлигида А.Янгиевнинг ер сўраб берган аризаси 8 ойда, А.Аскаровнинг сартарошхона учун ер сўраган мурожаати 7 ойдан сўнг "кўрилган".

Қарши шаҳар ҳокимлиги Ш.Рўзиевнинг худди юқоридагидек аризасини кўришни 11 ой мобайнида пайсалга солган. Бундай фактларни деярли барча туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятидан келтириш мумкин, зеро, бундай ҳол бошқа вилоятларда, туман ва шаҳарларда ҳам кузатилмоқда.

Табиийки, мурожаатларга юқоридагидек муносабат бўлган жойда тадбиркорлик қўллаб-қувватланаяпти, деган баҳо ҳақиқатдан йироқлигича қолаверади.

БАНКДАН ҚОНУНИЙ ТАРТИБДА КРЕДИТ СЎРАЛСА-Ю...

Тадбиркорни, фермерни, якка тадбиркорни давлат, ҳукумат ва қонунларимиз ўзини ўнглаб олиши учун банклардан кредит бериш орқали қўллаб-қувватлаш тартибини ўрнатган. Бунинг моҳиятини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Аммо...

Қарши шаҳрилик, "Сармоя" хусусий фирмаси раҳбари Ф.Ҳуррамов "Тадбиркорбанк"нинг шаҳар бўлимига 800 минг сўм кредит сўраб мурожаат қилган. Банк эса ундан бошқа ташкилотларнинг устав жамғармасидаги иштироки, қарзлари ва бошқалар ҳақида ортиқча ҳужжат талаб қилаверган. Бу ерда худди шундай муносабат "Ўктам", "Боғизағон", "Ражаб бобо" фирмаларига ҳам билдирилган.

Шаҳрисабз туманидаги "Пахтабанк" бўлими "Шаҳри кеш" фирмасини кредит сўраган мурожаатига жавобан юқоридаги талаблардан ташқари, ҳатто раҳбар О.Ражабовга тавсифнома ҳам тақдим этишни талаб қилган. Бу ерда "Ҳамкорлик", "Адиба", "Ал-Файз" хусусий корхоналарининг кредит сўраган мурожаатларига шу тариқа талаблар қўйилаверган.

Бундай ноқонуний талаблар, тадбиркорни бекорга югуртириб, сарсон қилиш, керакли ҳужжат қолиб, кераксизини талаб қилавериш ҳоллари "Тадбиркорбанк"нинг Косон туман бўлимида "Тожибой ота", "Шодмон бобо", "Эшим бобо" каби фермер хўжаликлари раҳбарларига, "Савдогарбанк"нинг Косон туман бўлими М.Холмўминова деган хусусий тадбиркорга нисбатан ҳам "қўлланилган".

Адлия ходимлари бундай муносабатнинг турли кўринишларини "Асакабанк"нинг вилоят бўлимида, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Шаҳрисабз туман бўлимида, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят темир йўл минтақавий бўлимида, "Пахтабанк"нинг Қарши, Деҳқонобод, Нишон, Китоб, Коеон туман бўлимларида, "Ўйжойжамғармабанк", "Туронбанк" ва "Ғаллабанк"нинг қатор бўлимларида учратдилар.

Кредит беришдаги кенг тарқалган "расмиятчилик"дан яна бири, барча ҳужжатлар ва қонуний асослар етарли бўлгани ҳолда тадбиркор талабини пайсалга солиш, "эртага келинг"чилик кенг томир отганлиги аниқланди.

Масалан, "Тадбиркорбанк"нинг Косон тумани бўлими тадбиркор Ш.Яхёевнинг кредит сўраган мурожаатини 5 иш кунида ҳал қилиш ўрнига асоссиз 48 кунга чўзган, "Шодмон бобо" фермер хўжалигининг аризаси 18 кун "узайтирилган". Ушбу банкнинг Китобдаги бўлими "Файкум" хусусий фирмасининг қонуний талабини 5 ойдан ошириб, Адлия вазирлигининг аралашувидан сўнг ҳал этган.

Бундай фактлар фақат келтирган мисолларимизда эмас, кўплаб банклар фаолиятида учраяпти. Улар нафақат Қашқадарёда, балки аксари вилоят ва туманларда.

Банклар тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқишда "қувлик" қилишаётганлари ҳам аниқланди. Кўпчилик ҳолларда аризалар расмий равишда қайд этилмайди, саналар қўйилмайди. Масалан, фақат Қарши туманидаги "Пахтабанк" бўлимида "Қўрғоншоҳ", "Чашма", "Фаровон" фермер хўжаликлари, И.Бўриев, С.Ғелдиев, С.Усмонов, Д.Махманазаров каби ўнлаб тадбиркорларнинг аризалари расмий рўйхатга олинмасдан, муддати ўтказилиб юраверилган.

Қашқадарё вилоят "Замин" банки филиали бундай ноқонунийликдан ташқари, М.Рашидова, Н.Асадова, Э.Шоимова каби ўнлаб хусусий тадбиркорларнинг аризасини асоссиз чўзиб юрган, тадбиркор билан банк ўртасидаги кредит бериш ҳақидаги шартномалар банк манфаати устун қўйилган ҳолда тузилиши одат тусига кирган. Қарангки, банк қонунни, шартнома талабларини бузса, жавобгарлиги кўрсатилмаган. Аммо тадбиркор маблағининг 50 фоизигача жарима тўлашлиги "роса" келтирилган. Бу салбий амалиёт "Тадбиркорбанк" бўлимларида ҳам кўплаб учраяпти.

Масалан, ушбу банкнинг Косон туман бўлими тадбиркор Я.Эшмирзаевдан яшаш жойидан маълумотнома, ҳокимлик комиссияси хулосаси, қарорлар, пенсия жамғармаси ва статистика идораларидан маълумотнома каби ҳужжатлар талаб қилган.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг темир йўл минтақавий бўлими Л.Хўжаева деган тадбиркордан ҳатто ҳокимиятдан рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги қарордан нусха сўраган, ваҳоланки, бусиз тадбиркорда на муҳр, на штамп бўлмаслиги шундай ҳам аён-ку! Бу ерда М.Имомов, Ш.Дўстмирзаев, Г.Худойбердиева каби ўнлаб тадбиркор ана шу тариқадаги талабларга дуч келишган.

"Пахтабанк"нинг Шаҳрисабз тумани бўлими юқоридагилардан қолишмай турганда, Қарши туман бўлимидагилар "Барс", "Музаффар", "Бишкент", "Алпомиш" каби фермерлардан хўжалик раҳбарини сайлаш ҳақидаги баённома, ер ажратиш харитаси, ҳокимлик қарор ва хулосаларидан кўчирмалар каби мутлақо ортиқча ҳужжатлардан нусха келтирасиз деб "оёқ тираб олишган".

Хуллас, банклардаги бундай асоссиз "талаб"ларнинг саноғи йўқ. Нега? Жавоби битта: тадбиркорни оёғидан чалиш ва хомтамалик! Бошқа нима бўлиши мумкин?

Тадбиркор ишни ўнглаш учун кредит сўраб, қонуний ҳақини талаб қилса-ю, банклар "оёқ тираб", уларни сарсон қилиши бир тарафу таъмага ўхшаш ҳаракати иккинчи тарафми? Бу "хаста"ликнинг давоси борми? Наҳотки "охирги зарурат" чорасига бориб етиш керак?

Сўзсиз, аксари вилоят ва туманлардаги банк мутасаддилари, бизда бундай "ўрин" йўқ деб баралла айта олишар. Агар шундайлар учраса, "Барака топ, отангга раҳмат!" деймиз, холос!

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Бош муҳаррир, Адлия Вазирининг матбуот котиби хизмати раҳбари

(Мақоланинг давомини келгуси сонда ўқийсиз)

ШАРТНОМАВИЙЛИК — ЛАБЗ ИШИ

Мажбурият олдингми, бажар!

Маълумингизким, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари тегишли идора ва судлар билан ҳамкорликда иқтисодиётимизнинг асосларидан бири бўлган шартномавийликнинг таъминланишида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Улар ҳақида мунтазам равишда жамоатчиликни воқиф этиб турибмиз. Ходимларимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ушбу фаолиятини ўрганишда фермер ва деҳқонлар билан ширкат хўжаликлари ўртасида ижара шартномалари ва оилавий пудратчилар билан ўзаро ички хўжалик шартномалари тузилиши, ерларни тўғри ҳисобга олиб, ижара тўловлари тўғри белгиланганлиги, етиштирилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қайд этиш жоизки, бу борада жиддий ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга камчиликлар, нуқсонлар, лоқайдлик, лабзсизликлардан ҳам холи бўлинган эмас.

Ўрганишлар кўрсатишича, фермер хўжаликлари билан тайёрлов идоралари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида тузилган контрактация шартномаларининг аксарисида маҳсулот баҳоси, бўнак бериб бориш муддати ва миқдори кўрсатилмаганлик ҳоллари мавжуд.

Масалан, Андижон вилояти, Улуғнор тумани "Ҳаким ота", "Дилрабо" ҳамда Бўз тумани "Орзу" фермер хўжалиги билан тайёрлов идоралари ўртасида дон етказиб бериш бўйича тузилган контрактация шартномаларида ана шундай жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Сурхондарё вилояти, Узун тумани "Табаррук" акциядорлик жамиятининг "Карим бобо", "Деҳқонобод", "Шукур бобо", "Жуманбой ўғиллари" каби фермер хўжаликлари билан дон етказиб бериш ҳақида тузган шартномаларда ҳам маҳсулот номи, шартноманинг умумий суммаси, унинг амал қилиш муддати, томонларнинг реквизитлари кўрсатилмаган.

Айрим ҳолларда фермер хўжаликлари ташкил этилиб, улар билан ерни ижарага бериш шартномаси тузилмаслик, тузилганларини эса қонуний тартибда рўйхатдан ўтказмаслик ҳоллари мавжуд.

Масалан, Хоразм вилоят, Хонқа тумани "Охунбобоев", Хазорасп тумани "Эркин" ва "Шарқ юлдузи" ширкат хўжаликлари ҳудудида ташкил қилинган фермер хўжаликлари билан узоқ муддатли ер ижара шартномаси умуман тузилмаган ва рўйхатдан ўтказилмаган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилган баъзи ички хўжалик шартномалари бир томонламалик касб этиб, пудратчилар манфаатига путур етаётганлиги ҳоллари учраяпти.

Масалан, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани "Нанай" ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчилар ўртасида буғдой етказиб бериш ҳақида тузилган шартномаларда ортиқча етказиб берилган маҳсулотни натура ҳолида ёки қийматини қайтариб бериш тартиби белгиланмасдан, манфаатлари чегараланган.

Чортоқ тумани "Пешқўрғон" ширкат хўжалигида боғ ва токзорларни ижарага бериш шартномаларида амалдаги қонунларга зид равишда боғлар учун ижара ҳақининг ўзгариши АҚШ доллари курси бўйича амалга оширилиши кўрсатилган.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани М.Улуғбек номли ширкат хўжалигида тузилган барча шартномаларда маҳсулот суммаси кўрсатилмаган, улар намунавий шакл асосида тузилсада, аксарисида пудратчи ҳақида маълумотлар ва манзил, ер бериш далолатномаларида ер сифати, унумдорлиги, ҳатто дарахтлар сони ҳам кўрсатилмаган.

Пудратчиларнинг чек дафтарчалари тўлиқ тўлдирилмаслиги, иш ҳақи, ўғит, техника, уруғлик берилган сана кўрсатилмаганлиги ҳам учраяпти.

Аксари ширкат ёки жамоа хўжаликларида пудратчиларнинг ҳисоб-китобини хўжаликнинг бригадири ёки табелчилари бажариб келишади ва уларнинг даромади пудратчилар ҳисобидан тўлаб келиниши, бу билан уларнинг мустақил ҳаракати чекланиб, моддий манфаатдорлиги қисқарганлигига дуч келинаяпти.

Сирдарё вилояти Боёвут тумани "Ғаллакор" ширкат хўжалигида оила пудратчиси Турдиқул Мусурмонқулов 42 гектар ер майдонида пахтачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келган. Унга чек дафтарчаси берилган. Лекин материал-техник ресурслар харажатлари ва ҳисоб-китоблар накладной асосида олиб борилган. Бу ердаги яна 21 та пудратчи билан чек асосида ишлаш йўлга қўйилмаган.

Ўрганишлар давомида табиийки, адлия ходимлари тушунтириш бериш ва таклифлар билдириш орқали камчиликларни бартараф этишни таъминладилар. Барча вилоятларда адлия идоралари ходимлари мунтазам иш олиб бораётганидан ташқари, бу борада вазирлик вакиллари ҳам ҳудудларга чиқиб, аҳволни ўрганаяпти. Масалан, шу йил бошидан буён 12 та вилоятда шартномавий муносабатлар аҳволи вазирлик комиссияси томонидан комплекс ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят ҳокимлигига, вазирлик ва идораларга тақдимномалар киритилди.

Шартномавийлик савияси ва самарасини юксалтириш мақсадида вазирлик томонидан фермер хўжаликлари ва оила пудратчилари шартномавий муносабатга киришишларида ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ички хўжалик шартномаларини тузишга доир Тавсиялар" лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу ҳужжат тегишли идораларга кўриб чиқиш учун юборилди.

Айни пайтда "Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби" ҳақидаги ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этилди.

Яна бир давомли фаолиятимиз ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Жойлардаги адлия ходимлари шартномавийлик мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибатида деҳқон, фермер хўжаликлари ва оила пудратчиларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш чораларини кўришмоқда. Бу ҳақда судларга даъво аризалари киритилиб, тадбиркор ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, бунда айбдор бўлган хўжалик раҳбарлари ва мансабдор шахслар ҳисобидан оила пудратчилари ва фермерларга етказилган зарар ундириб берилмоқда. Булар ҳақида оммавий ахборот воситаларида доимий хабарлар бериб борилаяпти.

Масалан, жорий йилда адлия идоралари қўзғатган даъво аризалари сони 307дан ошиқ бўлиб, миқдори 126.167472 сўмни ташкил қилади. Шундан 96.778.401 сўмлик 107 таси фермер хўжаликлари, 29.389.071 сўмлик 2000 таси оила пудратчилари манфаатларини кўзлаб киритилгандир.

Даъво аризалардан 48.414.455 сўмлик 174 таси судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилиши ва қаноатлантирилиши таъминланди.

Оилавий пудратчи ва фермер хўжаликлари фойдасига ширкат ҳамда тайёрлов идоралари томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш борасида фермер хўжаликларига 6.887.776 сўм, оила пудратчиларига 13.233.328 сўм, жами 20.121.076 сўм етказилган моддий зарар, фермер хўжаликларига етказилган 1.804.500 сўмлик маънавий зарар ундириб берилишига эришилди.

Адлия ходимлари аралашуви билан 13 та айбдор юридик шахс моддий жавобгарликка тортилиб, улардан 5.421.685 сўм моддий зарар, 15 та мансабдор шахслар эса маънавий жавобгарликка тортилиб, улардан 1.147.000 сўм маънавий зарар фермерлар фойдасига ундирилди.

Масалан, Наманган вилояти, Уйчи тумани "Баркамол" фермер хўжалиги фойдасига Наманган дон маҳсулотлари уюшмасидан 1550000 сўм ундириш ҳақидаги даъво аризаси вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, тўлиғича қаноатлантирилди.

Сирдарё вилоят, Сайхунобод туман суди "Худойберди" ва "Назарбой" фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, вилоят адлия бошқармаси киритган даъво аризаларни қаноатлантириб, 2.249.615 сўм моддий ва маънавий зарарни "Пахтакор" ширкат хўжалиги мансабдор шахслари ҳисобидан ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани "П.Қурбонов" фермер хўжалиги фойдасига "Чроғил" ширкат хўжалигидан етказиб берилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиймати 1410890 сўм ҳамда 705445 сўм пеня, жами 2116335 сўмни ундириш ҳақидаги даъво ариза вилоят хўжалик суди томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туман суди оила пудратчиси Э.Ўтановнинг "Гигант" ширкат хўжалигига шартномавий режадан ортиқча топширган 1400 кг буғдойнинг қийматини ёки натура ҳолида бермаганлиги учун киритилган даъво аризани кўриб, ҳар бир килограмм буғдой бозор баҳосида 90 сўмдан ҳисобланиб, жами 126000 сўмни ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Мингбулоқ туман суди ҳам "Навоий" ширкат хўжалигидан оила пудратчиси Абдували Тошбоевнинг шартномадан ортиқча топширган 360 кг буғдой учун бозор баҳосида 32000 сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Навоий вилояти, Хатирчи тумани "Шаҳзод-2000" фермер хўжалигига контрактация шартномаси бўйича етказиб берилган ғалла учун "Навоийдонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмаси томонидан тўланмаган 287040 сўм қарзни ва 152823 сўм зарарни ундириш тўғрисида Навоий шаҳар судига киритилган даъво ариза қаноатлантирилиб, маҳсулот учун тўланмай келинаётган қарз суммаси ҳамда 40000 сўм маънавий зарар ҳам мансабдор шахслар ҳисобидан ундириб берилди.

Бундай фактларни яна кўплаб мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўнлаб ана шундай ҳолатлар юзасидан қўзғатилган даъво аризаларимиз кўрилиш жараёнида ёхуд арафасида турибди. Адлия ходимлари ишларни янада жонлантириш мақсадида белгиланган тадбирлар асосида амалий ишларни давом эттирмоқда.

Доимий равишда шартномаларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш лозим бўлганлиги боис вазирлик томонидан "Қишлоқ хўжалик корхоналари ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш Тартиби" ишлаб чиқилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда жойларга ижро учун юборилди.

Адлия, Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида жойлардаги вилоят бошқармалари масъул ходимларидан махсус гуруҳлар ташкил этилган. Улар ширкат хўжаликлари, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, ижарачилар ҳамда пудратчилар билан маҳсулот етиштириб бериш бўйича тузилган шартномаларини доимий ўрганиб боришмоқда. Айни пайтда бу гуруҳлар ҳуқуқий тушунтиришлар, жонли мулоқот ва савол-жавоб тариқасида амалий семинар машғулотлари ўтказиб боришмоқда.

Бу тадбирларда 2000 йил учун тузилган шартнома шартлари бажарилишига, ижроси таъминланмаган шартномалар юзасидан қонун асосида контрагентларга нисбатан даъво аризалари киритиш орқали таъсир чоралари кўрилишига, 2001 йилда етиштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар учун шартномаларни ўз вақтида тузишни якунига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугунга келиб, деярли ҳар бир туманда камида биттадан ширкат ва фермер хўжаликларида шартномавийликнинг намунавий тизими яратилди. Уларни барча хўжаликларга тадбиқ этиш учун амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситалари орқали оммалаштирилмоқда. Ишлар вазирлик томонидан қаттиқ назоратга олиниб, бажарилиши учун барча тадбирлар белгиланган.

Хуллас, шартнома бу икки тарафнинг ўзаро ихтиёрий келишуви — лабз иши. Уни бажармаслик лабзсизлик деб баҳоланади. Бу эса ўз сўзига эга эмаслик, ишончга нолойиқлик тамғасидир. Шартномавийликда ҳалол бўлайлик.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи

"Судлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамада

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН!

Умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирда) лойиҳаси суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тезлаштириш, суд ҳокимияти мавқеини ривожланган давлатлар судлари мавқеи даражасига кўтариш борасидаги қадамлардан бири деса бўлади.

У амалдаги Қонундан фарқли ўлароқ, ўзида суд тизимини ислоҳ қилишнинг илғор тажрибаларини акс эттирган. Шу билан бирга уни жойларда муҳокама қилиш давомида унга баъзи қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда янада такомиллаштириш борасида фикрлар юзага келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши, унда қўлланиладиган тушунча ва атамалар ўз мазмунига мувофиқ ўзгача шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бўлиши лозим.

Хусусан, лойиҳанинг 17-моддаси 2-қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарори, ***агар уни ёқлаб Пленум аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса***, қабул қилинган ҳисобланади, дейилган. Айни вақтда 30-моддаси 3-қисмига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати қарори ***муайян ишлар юзасидан овоз беришда қатнашган раёсат аъзоларининг кўпчилик овози билан*** ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилиниши, 47-моддаси 3-қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарори эса ***Пленум мажлисида иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали*** қабул қилинади дейилган.

Менимча, бу номувофиқликни бартараф этиш ва тартиб бир хил этиб белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Лойиҳанинг 74-моддаси 2-қисмида судьяларга ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилиши белгиланган.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида "ҳақ тўланадиган меҳнат таътили" деган тушунча мавжуд эмас. Унинг 133-моддасига мувофиқ барча ходимларга иш жойи ҳамда ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили меҳнат таътили берилиши кўрсатилган.

Шу сабабли лойиҳанинг 74-моддаси 2-қисмидан "ҳақ тўланадиган" сўзлари ортиқча сифатида чиқариб ташланиши лозим деб ҳисоблайман.

Лойиҳанинг 63-моддасида илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида қасамёд қабул қилгандан кейин ўз вазифасини бажаришга киришиши белгиланган. 15-моддасига кўра эса Олий Суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилиши, 45-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилиши белгиланган.

Демак, Пленумлар орасида сайланган ёки тайинланган судья навбатдаги Пленум мажлисида қасамёд қабул қилингунга қадар ўз вазифасини бажаришга кириша олмайди.

Шу боис лойиҳада вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди ҳамда вилоятлар хўжалик судлари судьялари учун қасамёд қабул қилишнинг бошқача тартибини назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.

Масалан, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Олий Суднинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳайъат йиғилишида ёки вилоятлар, Тошкент шаҳар суди раёсати йиғилишида, ҳарбий судлар Олий Суднинг ҳарбий ҳайъати, вилоятлар хўжалик судлари судьялари Олий хўжалик суди Раёсати мажлисида қасамёд қабул қилиниши белгиланса, улар қисқа вақт ичида вазифаларини бажаришга киришишлари учун имкон яратилган бўлар эди.

Лойиҳада судьяларнинг моддий таъминоти масалаларига эътибор берилган бўлиб, жумладан, судья сайланган ёки тайинланган кундан бошлаб олти ой ичида уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланиши назарда тутилган. Бу ерда ижрочи аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу боисдан лойиҳанинг 74-моддаси 3-қисми "Судья сайланган ёки тайинланган кундан бошлаб олти ой ичида иш жойи бўйича маҳаллий ҳокимият органлари томонидан уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланадилар" деган таҳрирда баён этилса, белгиланган муддатларда моддий таъминлаш ва судьянинг иш фаолиятини нормал амалга ошириши учун имконият яратилган бўлар эди.

Икром БЕРДИҚУЛОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Банк ислоҳоти

ПУЛ НАЗОРАТНИ ЁҚТИРАДИ

дейди Ромитан туман "Тадбиркор" Акцияли Тижорат Банки бўлими бошқарувчиси Нодир АҲРОРОВ

- Банк, мижоз, пул. Очиғини айтганда, ушбу учликни уйғунликда кўриш, англаш ва амал қилиш осон жараён эмас. Мамлакатимиз Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан сўнг Ўзбекистон молия-кредит соҳасида ислоҳотлар — ўзгаришлар даври бошланди. Фармонда жумладан: "Хорижий банкларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўз сармоясини ва жалб этиладиган маблағлар ҳажмини муттасил кўпайтириб бориш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал тармоғи, аввало, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш шакллари, турлари ва миқдорини кенгайтириш тижорат банкларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин" дея алоҳида таъкидланади.

Банк ишида бундай аниқ дастур (Вазирлар Маҳкамаси шу йил 24 мартда 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастури ҳақидаги қабул қилган Қарори)нинг мавжудлиги қатор имкониятлар эшигини очмоқда. Банк ва мижоз ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Яқингача банкдан кредит олиш анча қийин кечарди. Қоғозбозлик, сарсон-гарчиликлар... Тадбиркор учун ҳужжатлар тайёрлаш ойлаб чўзилар, уларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тинкани қуритадиган жараёнга айлангани кўпчиликка аён. Ҳатто микрокредит олиш учун ҳам кўплаб ҳужжатлар тақдим этиларди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган кредитларга хос катта талаблар қўйилар, кўпларнинг бундан ҳафсаласи пир бўлиб, бошламоқчи бўлган ишидан воз кечишга мажбур бўларди.

Бугун ана шуларнинг барига чек қўйилди, десак бўлади. Туман "Тадбиркор" Акцияли Тижорат Банки бўлимида бир йилда мижозлар сони 192 тага кўпайди. 90 минг аҳолиси бор туманда 4 та банк фаолият кўрсатишини ҳисобга олсак, бу ёмон кўрсаткич эмас. Жами мижозларимиз 616 тага етди. Бунга албатта, банкнинг молиявий аҳволи, интизом, муомала маданияти ва яна кўпгина воситалар сабабли эришилди. Тўққиз ойда 9 миллион 145 минг сўм соф фойда билан чиқдик.

2000 йилнинг 1 октябр ҳолатигача аҳолига 96 миллион 980 минг сўм кредит, шундан 54 миллионини ўз ресурсларимиз ҳисобидан (қисқа муддатли) бердик. Қарз олишни истаганларнинг аксарияти кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилардир.

Амалдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамиша эътиборимизда турибди. Фармонда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш, энг аввало, банк ходимларининг бурчи бўлса, бу борадаги ҳар бир уриниш, ҳаракат бизни янгиликлар томон дадил боришимизни, юксак самарадорликка эришишни таъминлайди.

Кичик ва ўрта бизнес оёққа тураётган, ривожланаётган ушбу дамларда тадбиркорларга 18 миллион сўм микрокредит берилди. Яна шуларни қувонч билан айтишни истар эдим: туманимизда фермер хўжаликлари йил сайин ривож топмоқда. Ишончли мижозларимиз орасида фермерлар кўпчиликни ташкил этади. Имтиёзли кредитимиздан самарали фойдаланган ("Гаффоробод" — 1.000.000 сўм, "Наврўз" — 3.100.000 сўм, "Зафар" — 6.000.000 сўм, "Имкон" — 10.000.000 сўм) фермер хўжаликлари ҳавас қилса арзигулик натижаларни қўлга киритаяптилар.

Узоқ муддатли имтиёзли кредитлар суммаси 25 миллион сўмга етди. Акциядорларимиз сонини кўпайтириш, янги мижозларни жалб этишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Яқин кунларгача "Тадбиркор" АТБга ишончсизлик билан қараш, иккиланишлар мавжуд эди. Бундай хатардан эсон-омон ўтиб олдик. Олдимизда иқтисодий мустаҳкамланиш, ҳар бир йилни фойда билан якунлаш, банк фаолиятининг кўлами бўйича юқори ўринларни эгаллашдек муҳим вазифалар турибди.

Р.АШУРОВ,
журналист

ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД

Нотариус ҳузурида

Эгамберди КАРИМОВ Нуробод туманининг Улус қишлоғидан. 1985 йилда Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. 1985-1993 йилларда туман суди катта суд ижрочиси вазифасида ишлаган. 1993 йилдан буён туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси вазифасида хизмат қилмоқда.

- Эгамберди, Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни 1-моддасида "Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат"лиги кўрсатилган. Айтинг-чи, чорвадорлар юртида нотариал ҳаракатларнинг қайси турларига мурожаат кўпроқ учраяпти?

- Саволингизга жавоб беришдан олдин бир фикрга эътибор қаратишни истардим. Туманимиз Самарқанддан то Навоий вилоятига қадар Қоратоғ этакларида ястаниб ётибди. Халқида тоғликларга хос мардлик, иймон-эътиқод бор. Бироқ ҳар қандай нотариал ҳаракатнинг давлат нотариал идорасида ҳуқуқий кучга кирганига нима етсин. Шу сабаб нотариал идорага фуқаролар мурожаати йил сайин ошиб бораяпти. Хусусийлаштирилган хонадонлар, автоулов олди-сотди шартномалари, мерос ва васиятнома бўйича ҳам бизга мурожаатлар кўп учраяпти.

Агар шу йилнинг ўтган тўққиз ойини таҳлил қиладиган бўлсак, бажарилган нотариал ҳаракатлардан 2 миллион 904 минг сўм давлат божи йиғилган. Шунинг 2 миллион 323 минг 200 сўми маҳаллий бюджетга тушум бўлаяпти.

- Ипотека тўғрисидаги гаров шартномалари тадбиркорлик тури ҳисобланади. Ана шу тур бўйича нотариал идорасига мурожаат кўпайдими, демак, шу ҳудудда тадбиркорлар сони ошаяпти, деб ҳисоблаш мумкин. Шундай эмасми?

- Албатта. Банклардан кредит олиш бўйича ўтган тўққиз ойда 25 та гаров шартномаси расмийлаштирилди. Банк билан мижоз ўртасидаги кредит шартномаси, гаровга қўйилаётган мулкнинг суғурталанганлиги, гаровга қўйилаётган мулкнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш бўйича бир талай ишлар қилинди.

Сариосиё ва Узун туманларида юз берган воқеалар, мард ўғлонларимиз жасоратлари ҳеч қачон унутилмайди. Террорчиларга қарши курашда туманимизнинг Оқсой қишлоғилик катта лейтенант Исматулла Хўжаев ҳам мардларча ҳалок бўлди. Республикамиз Президенти Фармони билан берилган ижтимоий ёрдамни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани унинг отаси Нурилла ака Хўжаевнинг номига дарҳол расмийлаштириб бердик. Шу асно адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатда инсон қадри баланд тутилишини яна бир бор ҳис этдим.

Суҳбатдош: Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ

СОҒЛОМ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Талаба минбари

Истиқлол йўлидан собитқадамлик билан одимлаётган Ўзбекистонимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бошқа соҳалар каби фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг илму камоли, маданий-маънавий, сиёсий дунёқарашини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, жорий йилнинг "Соғлом авлод" йили деб эълон қилинганлиги ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан камол топишига янада кенг имконият ва шароитлар яратиб берди. Шундай экан биз - ёшлар яратилаётган имкониятлардан ўринли фойдаланиб, Ватанимиз истиқболи учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Институтимизда бу борада ибратли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, "Ҳуқуқий маърифат" газетаси, талабалар ташаббуси билан ташкил этилган "Ёшлар овози" радио ва телевидение марказида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Улар ўз фаолиятларида ёшларнинг эркин фикрлашларига имкон яратмоқда. Талабалар ўз чиқишларида энг долзарб муаммолар, жаҳон янгиликларига алоҳида тўхталмоқдалар. Шунингдек, ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар, янги нашр этилган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай шароитлар нафақат ўқув юртларида, балки маҳаллаларда ҳам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, оила, маҳалла - шахс камолининг илк маскани. Мактабни тамомлаган ёшларнинг ҳаммаси ҳам талабалик шарафига эришавермайди. Уларни ахлоқан ва маънан тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Ҳар бир маҳаллада тарбиявий ишларни олиб бориш билан бир қаторда кутубхоналар ташкил этилиб, унда қонунлар, янги нашр этилган китоблар, газета ва журналлар ўрин эгалласа, ёшларимизнинг маърифий эҳтиёжи озмикўпми қондирилади. Шуни айтиш керакки, ақлан, руҳан соғлом инсонда ғайрилик, дўстга душманлик, Ватанга хиёнат ҳислари бўлмайди. Айниқса, шу каби иллатлардан ёшларни сақлаш лозим. Улар ўқиш ёки иш билан банд этилса, ҳеч қачон ёмон йўлларга кириб кетмайди. Қураётган демократик жамиятимизда ҳар бир фуқаронинг ўрни муҳим. Агар биз - ёшлар барчамиз юртимиз равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшсак, мамлакатимиз буюклик сари янада мардона қадам ташлайди.

Зеро, "Соғлом авлод — буюк келажак кафолати!"

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти 2-курс талабаси

Солиқ тизими

МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

Ҳар қандай тадбир, ҳужжат замон, вазият тақозоси билан юзага келади. Мамлакатимиздаги айрим қонунбузарликлар республикада солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши кескин чоралар кўришни тақозо этди. Унинг ҳосиласи ўлароқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан Республика Давлат солиқ қўмитаси таркибида солиқ соҳасида ҳуқуқбузилишларга қарши тезкор курашиш Бош бошқармаси, вилоятларда эса ҳудудий бошқармалар ташкил топди.

Ўз вақтида қабул қилинган бу ҳужжат иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Буни Президентимизнинг солиқ тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибори, яна бир ғамхўрлиги деб англамоғимиз керак. Шунинг билан бирга у жамоамиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Бошқарма ташкил этилгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида солиқ ва тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ўтказилишини тўлиқ таъминлаш, интизомни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигига эришиш ҳамда амалдаги ҳужжатларга қатъий риоя қилиш, бу соҳадаги ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, олдини олиш, уларни бартараф этиш устидан назоратни кучайтириш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида 42 ҳолатда турли хил ноқонуний йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари аниқланди ва бартараф этилди. Шубҳасиз, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан қонун белгилаган тартибда чоралар кўрилди.

Чироқчи туманида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Нурматов ўз ҳовлисида қўлбола усулда ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Ундан қарийб 1.0 миллион сўмлик ароқ ва спирт маҳсулотлари ҳамда Шаҳрисабз вино-ароқ ҳиссадорлик жамиятига тегишли бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилмаган тунука қопқоқлар, ароқ ёрлиқлари, акциз маркалари ва бошқа ҳар хил ароқ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган махсус мосламалар ашёвий далил сифатида олинди. Ҳуқуқбузар фаолиятига чек қўйилди ҳамда у жиноий жавобгарликка тортилди.

Қарши шаҳрида яшовчи С.Темиров давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин йўллар билан ҳар хил корхоналар савдо белгилари остида салқин ичимликлар ишлаб чиқараётганлиги, Й.Холбоева, Ш.Иботов ва Нишон туманида яшовчи О.Рўзиевлар ўз уйларида пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганликлари аниқланиб, кўп миқдордаги салқин ичимликлар, турли хил ёрлиқлар, чигит, пахта ёғи, кунжара, каустик сода ва ҳар хил ишлаб чиқариш мосламалари олинди. Энг ачинарлиси шундаки, ушбу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари Давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермайди. Мўмай пул топиш истагидаги қонунбузарлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кишилар соғлигига зарар етказаётганлиги ва айримлар ҳаётдан кўз юмаётганликлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганлар.

Қарши шаҳри фуқароси Ч.Сайфиев эса ўз ҳовлисида турли корхоналар савдо белгиларидан фойдаланган ҳолда яширин равишда бўёқ ишлаб чиқариб, бу сифатсиз маҳсулотларни одамлар кўзига чиройли қилиб кўрсатиб, пуллаб келганлиги фош этилди.

Шаҳрисабз туманида яшовчи М.Тошмуродов, Деҳқонобод туманидан М.Нурмаҳмедов ва Т.Қурбонов, Қарши шаҳрида яшовчи Э.Сувонов ҳамда Чироқчи туманида истиқомат қилувчи Х.Юсуповлар ўз ҳовлисида турли ноқонуний йўллар билан нефть маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан шуғулланиб келганлар. Бироқ уларни на ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, на ўзлари ва қўшниларининг ҳаётини хавф остига қўйишлари қизиқтирган. Улардан 2430 литр бензин, 626 литр автол ва нефть маҳсулотлари ҳамда уларни сақлаш ва сотишга мўлжалланган турли идишлар ашёвий далил сифатида олиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Солиқ тўлашдан турли хил йўллар билан бўйин товлаб келаётган кўпгина "дорифуруш"лар фаолиятларига ҳам чек қўйилди. Улардан 1628.4 минг сўмлик доридармонлар, шунингдек, қонунга хилоф равишда четдан келтирилган акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари сотаётган фуқаролардан 24885 қути тамаки маҳсулотлари олинди.

Нақд пул маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар сезиларли натижалар бермоқда. Жумладан, Қарши шаҳридаги эҳтиёт қисмлар ва мол бозорида нақд пул тушуми ўртача 321.4 минг сўмдан ошмаган. Бу бозорларда кузатув сифатида тадбир ўтказилган кунда нақд пул тушуми 697.4 минг сўмга етди ёки тушум 376.0 минг сўмга кўпайди.

Қарши шаҳридаги "Наврўз" чойхонасида нақд пул тушуми 5.0 минг сўмдан ошмаган ҳолда кузатув ўтказилган куни тушум 138.0 минг сўмга етди. Агарда тушум ҳар куни ўртача 138.0 минг сўмни ташкил этса, бир ойда 4.1 миллион сўм, бир йилда эса 49.2 миллион сўмни ташкил этади. Улар эса солиқ ва тўловларни 1.8 миллион сўм ҳисобидан амалга ошириб келганлар. Бундай чойхоналар биргина Қарши шаҳрида юздан ортиқ эканлигини назарда тутсак, улардан тушадиган нақд пул тушуми бир йилда ўртача 4.9 млрд. сўмга етишини кўрамиз.

Бошқарма эндигина таркиб топаётганлиги боис ёш, билимдон, тажрибали кадрларга, илғор технология ҳамда турли техникаларга эҳтиёж сезилмоқда. Лекин булар ҳам тез орада ўз ечимини топади. Қолаверса, ҳуқуқбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида тузилган мувофиқлаштириш иш режасига асосан вилоят прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар ҳамда божхона бошқармалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаяпмиз.

Э.ҲАСАНОВ,
Солиқ соҳасида ҳуқуқбузилишларга қарши курашиш Қашқадарё вилоят бошқармасининг бошлиғи

Огоҳлик ва яна огоҳлик!

ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК

бер, деб қарияларимиз беҳудага Оллоҳдан сўрашмайди, чунки инсоннинг барча эзгу истаклари шунга боғлиқ, - дейди Қизилтепа туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Файзулло ҚУВОНДИҚОВ

Суҳбатдош ҳақида: Қувондиқов Файзулло Бозорович 1959 йилда туғилган. 1981-1985 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигига қарашли Олий милиция мактабини тугатган. Иш фаолиятини Қизилтепа туман ИИБ жиноят-қидирув тезкор вакили вазифасидан бошлаган.

1992-1993 йилларда Навоий вилоят ИИБда жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлади.

Ҳозирга қадар Қизилтепа туман ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Милиция подполковниги Ф.Қувондиқов Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. У бошчилик қилаётган Қизилтепа тумани ИИБ изланишлари самарали бўлиб, вилоятнинг бошқа туманлари ички ишлар ходимлари ҳам синчиклаб ўрганмоқдалар.

- Файзулло Бозорович, бугун ҳаётга огоҳлик, даъват, диний ақидапарастлик каби иборалар тез-тез тилга олинмоқда. Албатта, бунинг маълум сабаблари бор...

- Шундай, бунинг бош сабаби мустақиллигимизни ҳазм қилолмаётган ички ва ташқи душманларимиздир. Мустақилликдек буюк неъмат, тенгсиз имкониятни ҳар ким ҳар хил тушунади. Биров бунга ўз манфаатидан келиб чиқиб эгалик қилишни истаса, яна кимдир бефарқ, кимлардир оғирнинг устидан, енгилнинг остидан, деганларидек, ўрта йўлда. Аммо шуни унутмаслик керакки, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб, ишда, хизматда — ҳар қандай шароитда собит ва содиқ турибдилар.

Тўғри, тинчимизни бузаётганлар ҳамон бор, улар турли йўллар билан ўз юрти, туғилиб ўсган гўшасига зарар етказишга уринмасин, барибир ниятларига етолмайдилар. ИИБ ходимлари экстремистик ва диний гуруҳларга кириб қолган ёшларни аниқлашда доимий суриштирув ишларини олиб бормоқдалар. Иш режаларимизга мувофиқ "Антитеррор", "Тозалаш", "Спитамен", "Фуқаро", "Тун" каби тадбирлар ўтказиб, сезиларли натижаларга эришаяпмиз. Бундай тадбирлар бизнинг ходимларимизнинг тайёргарлигини синашда ҳам қўл келади, барчамизни тоблайди, чиниқтиради.

Тадбирлар давомида 11 та экстремистик диний оқимга мойил шахслар аниқланди, шулардан - жиноий жавобгарликка тортилган Қувватов Отабек 1976 йилда Тошработ жамоа хўжалигининг Сарой қишлоғида туғилган, маълумоти ўрта, бир нафар фарзанди бор. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244-1-моддаси 2-қисмида ва 276-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган. Бўстон ширкат хўжалигида туғилган Амонов Қудратилло эса ЖКнинг 159, 161, 242, 155, 158-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этиб, қочиб юрибди. Унга нисбатан 1999 йилнинг декабр ойидан бошлаб қидирув эълон қилинган.



- Турли оқимларга мансуб ёки мойиллиги бор шахсларнинг номи, ҳисоб-китоби борми, уларни аниқлаш, топиш жараёни қандай кечаяпти?

- Бугунгача экстремистик ва диний оқимга мойил 9 нафар шахс ИИБ ҳисобида туради. Уларнинг хатти-ҳаракатлари бўлимимиз ходимлари, фуқаро ва маҳалла раислари, маҳалла посбонлари томонидан биргаликда назорат қилинмоқда. Туманимизнинг 114 та қишлоғига ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари ва маҳалла фаолларидан масъул кишилар биркитилган. Улар ҳар бир қишлоқ ва маҳаллага кириб келаётган, ноқонуний яшаётган кимсаларни, шунингдек, уйидан, оиласидан чиқиб кетиб, қайтмаётган шахсларни аниқлашда бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шу йил май ойида Қизилтепада алоҳида аҳамиятга эга тадбир ўтказилди. Мавзу: "Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи". Ушбу тадбирдан кўпчилик баҳраманд бўлди. Кўплар савол-ларига жавоб топди, бир сўз билан айтганда долзарб мавзу ўз тингловчиларини топди.

- Туман ички ишлар бўлими билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролари ўртасидаги ҳамкорлик, тадбирлар ҳақида ҳам айтсангиз, айниқса, ёшлар борасида...

- Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда узлуксиз тадбирлар ўтказиб келдик. 110 минг аҳоли яшайдиган туманимизда ёшлар 60 фоизни ташкил этади. Туман ҳудудида битта шаҳар кенгаши, 8 та фуқаролар йиғини, 40 та маҳалла бўлиб, 24 миллат вакиллари яшайдилар. Мумкин қадар (ҳар чоракда) ички ишлар биносида туман ҳокимлиги фуқаролар йиғинларининг раислари, маҳалла оқсоқоллари, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, мактаб директорларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, газета муҳаррирлари, масжидларнинг имом-хатиблари иштирокида йиғилиш ўтказаяпмиз. Бундан мақсад ёшларимизни иқтисодий, маънавий ҳимоялаш: ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли диний оқимларга қўшилиб кетишларининг олдини олиш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, иш билан таъминлашга кўмаклашишдир.

Ҳар йил сўнгги қўнғироқ муносабати билан унумли, самарали тадбирни йўлга қўйдик. Туман халқ таълими бўлими билан ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида 43 та мактабда йиғилиш ўтказамиз. Йиғилишда ёшларнинг диний экстремистик оқимларга кириб қолишининг олдини олиш, унинг хавф-хатаридан огоҳ этиш ҳақида маърузалар қилинади. Қизғин савол-жавоблар бошланади. Назаримда, ёшлар билан ўтказилган бундай юзма-юз учрашув-тадбирларнинг аҳамияти юксакдир.

Буларга қўшимча тарзда яна шуни айтмоқчиман: туман ҳокимлигида (17 август) жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ва осойишталигини таъминлаш, аҳолини огоҳликка чақиришга бағишланган фаоллар йиғилишининг таъсири ҳанузгача давом этмоқда.

Ҳудудимизда паспорт қоидаларига амал қилишнинг қатъий чоралари кўрилган. Тадбирлар давомида 40 нафар ноқонуний яшаган фуқаро аниқланди. Шулардан 16 таси Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг фуқароларидир. Туманда ноқонуний яшаётган фуқароларни аниқлаш ниятида ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда кенг жамоатчилик ҳам жалб этилган, улар хизмат машинаси, керакли алоқа воситалари билан таъминланганлар. Ишонч телефонлари доимий ишлаб турибди. Тумандаги ташландиқ бинолар, отарлар, ғорлар, Тўдакўл ва Куюмазор кўлларининг атрофи, одам бориши қийин бўлган жойларни доимий кузатиш учун 6 та отдан иборат отлиқ милиция ходимлари жалб қилинган.

Хуллас, халқимизнинг тинчлик ва осойишталигини асраш ва уни қўриқлаш ишига ҳамиша тайёрмиз.

Суҳбатдош:
Шоҳрух МИРЗО

Мардлар хотираси абадий

ЁВУЗЛАР НИЯТГА ЕТОЛМАЙДИЛАР

Террорчилар ва диний экстремистларнинг қабиҳ ҳаракатлари натижасида пойтахтимизда содир этилган портлашлар, Ангрен, Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудларидаги хунрезликлар Ўзбекистон халқини, қолаверса, жаҳондаги тинчликсевар инсонлар қаҳру ғазабини келтирди. Мустақиллик йўлида дадил қадам ташлаётган элимизнинг тинчлиги, осойишталиги бузилди. Содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида бир неча бегуноҳ кишиларнинг, юртимиз сарҳадларини қўриқлаётган асл ўғлонларимизнинг қони тўкилди. Ҳа, Ватанни севиб, ҳар бир қарич ерини авайлаб-асраш йўлида ўғлонларимиз жон фидо этдилар. Лекин ёвуз ниятда ўз киндик қони тўкилган тупроққа хиёнат қилган босқинчилар ниятларига етолмадилар.

Менинг ўғлим Абдуманноб Қорабоев ҳам ана шу мард ўғлонлар қаторида ўз хизмат вазифасини ўтаётган чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ўғлимнинг ҳаёти ёрқин ва унутилмас воқеаларга бой эди. У менга суянчиқ, оила аъзоларига, жигарларига меҳрибон, шаҳримизда ҳурматга сазовор йигит эди. Ҳамиша эшикни очиб, уйга юзида кулгу билан кириб келарди. 40 ёшга тўлган бўлса-да, менга ҳалиҳануз боладек эркаланарди. "Онажон, яхши ўтирибсизми?" - деб аввал ўнг юзини, сўнг чап юзини тутар эди. Юзимга меҳр билан тиқилиб, мен билан узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. Ўша куни ҳам у уйга шошиб кириб келди ва "Онажон, дуо қилинг, мени зарур иш билан чақиришаяпти" деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Унга оқ фотиҳа бердиму, негадир юрагим ғаш эди. Афсуски, ўшанда бу сўнгги хайрлашувимиз эканлигини билмаган эканман. Орадан икки кун ўтиб, 16 ноябр куни шум хабар эшитдик...

Ўғлим болаликдан қобилиятли ва зеҳни ўткир эди. Шунинг учун 6 ёшидан мактабга бердик. 10 йил давомида фақат аъло баҳолари ва намунали хулқи билан бизни хурсанд қилди. 1976 йили Тошкент Давлат Педагогика институтини муваффақиятли тугатди. Сўнг ҳарбий хизматда бўлди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ИИБга ишга ўтди. Ўз касбига қизиқиши ва интилувчанлиги туфайли 1994 йили Олий милиция мактабини ҳам битириб, Ангрен шаҳар ИИБда жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи лавозимигача кўтарилди. Болагинам юрт душманларига қарши курашда жонини фидо қилди. Мен шундай мард йигитнинг онаси бўлганимдан фахрланаман.

Яқинда фарзандим ўқиган мактаб жамоасидан хушхабар эшитдим. Абдуманноб таълим олган илм масканига унинг номини беришибди. Бу билан марҳум фарзандимнинг руҳини шод қилишди. Бундайин эҳтиром менинг ҳам армонли кўнглимга таскин бўлди. Абдуманнобимнинг номини унутмаган яхши инсонларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этдим.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали Республика Олий Судида бир гуруҳ жиноятчилар устидан давом этаётган суд мажлисини кўриб бораяпман. Жиноятчиларнинг қабиҳ қилмишларини ўз оғизларидан эшитиб, уларга нафратим ошди. Ҳа, оналар дуоси албатта ижобат бўлгай: элу юртимиз осойишталигини қўриқлаётган посбонларимиз орасида менинг ўғлим каби фидойи йигитлар бор экан, ўз Ватанига — яъни онасига тиғ кўтарган оқпадарлар ҳеч қачон ёвуз ниятига етолмайдилар.

Мукаррам ҚОРАБОЕВА,
Оҳангарон тумани, Чинор қишлоғи

НОИНСОФГА ЭРК БЕРСАНГ...

Кўпирсанг ҳам, тупурма!

Эл орасида тадбиркорлиги тан олинаётган инсонларни юртдошларимиз олқишлайди. Уларнинг эл-юрт маъмурчилиги йўлидаги фаолиятлари маъмурий орган ходимлари томонидан керакли пайтда қўллаб-қувватланиб, юридик маслаҳатлар берилади, ҳақ-ҳуқуқлари бузилган тақдирда қонун юзасидан ёрдам кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Бироқ фермерлик фаолияти ҳамма жойда бир хил қанот қоқиб кетолмас экан. Айрим фермерлар ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзу имкониятлардан фақат ўз нафсини қондириш учунгина фойдаланишнинг пайида бўлишади.

Қизириқ туманидаги "Кенжа Давлат" деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Кенжа Давлатов ана шундай тоифадаги "ишбилармон"лардан чиқиб қолди. У шайтон измига кириб, нафс қутқусига дуч келганида, буни ўзича бир "кашфиёт" деб тушунди. Акс ҳолда тўрт йиллик фермерлик тажрибасига эга ишбилармон "кепакфурушга" айланиб қолармиди?..

К.Давлатов йил давомида бир қанча ишонч қоғозларини қоралаб, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинатидан тақсимот бўйича ажратилган 302 минг 609 сўмлик омухта емларни олиб, дуч келган харидорга пуллашга берилиб кетди, тонна-тонна емни сотиб, ишчиларга ойлик тариқасида тарқатилди, тракторга ишлатилди, деган баҳоналар билан талон-тарож қилди. Прокуратура аралашувидан сўнг ишонч қоғозлари билан олинган омухта емларнинг хўжаликка кирим қилинмасдан, турли йўллар билан сотиб юборилгани аниқланди. К.Давлатов жамоада ишчиларининг ризқини қийиб, ўзи бошқараётган фермер хўжалигига катта зиён етказди. Талон-тарожликка йўл қўйган фермернинг нафси тушовланди...

Туман деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасининг бошлиғи вазифасида ишлаган Содиқ Юсупов ғалла топшириш режалари бажарилишини сохта ҳужжатлар асосида қалбакилаштириб, ҳисоботлар тузди, бошқача айтганда хашакдан ҳашам битиб, ёлғондан қасам ичмоқчи бўлди. Жумладан, у уюшма таркибидаги "Абдурахмон бобо", "Вали Суюн", "М.Сафаров", "Режа бобо", "Баҳодир" каби ўнлаб фермер хўжаликларига 98 тонна емни сохталаштирилган, қалбаки ҳужжатларда кирим-чиқим қилиб, ҳисобот берди. Оқибатда уюшмага қарашли фермер хўжаликлари 1419040 сўмлик зарар кўришди. Сохтакорлик билан обрў орттириш илинжида бўлган уюшма раҳбарига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тегишли жазо тайинланди.

Яхши юрган одамга ипак илашар, ёмон юрган одамга тикан, дейишади. Розия Хушбоқова Қизириқ туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли бозорда маҳсулотларини сотиш учун келган мижозларни тарози билан таъминлашдай "ёғли" жойда биноийдай ишларди. Бироқ нафс қурғур унинг ҳам оромини олди, шекилли, бозор ичида доимий сотувчилик қилаётган мижозларнинг ўз шахсий тарозисидан фойдаланганлиги учун олинадиган тушум пулларини Розияхон "чап" чўнтакка "кирим" қилди. Бир йил давомида у бу "ихтиро"сидан яхшигина фойда кўриб, Чамангул Жабборова, Муҳаббат Қодирова, Наргиза Норқўчқорова, Анна Галабуева, Зубайда Мелиқулова, Пари Носирова каби доимий сотувичлардан шахсий тарозилардан фойдаланганлари учун нақд 66 минг 835 сўм "туширди". Чумолининг бир йил йиққани, туянинг бир ютгани дея бу маблағни ими-жимида "ҳазм" қилиб юборди. Р.Хушбоқованинг олғирлиги прокуратура томонидан тегишлича баҳоланди.

Шу бозорда патта йиғувчи бўлиб ишга кирган Бўтаёр Сатторов "Берганини қўлтиққа ур!" деган нопок маслак билан иш тутиб, кирим қилинадиган тушумлардан ўз ҳамёнини қаппайтириш пайида бўлди. Туман прокуратураси томонидан назорат тартибида ўтказилган текширувда паттачи Б.Сатторов бозордаги сотувчилардан 3 минг 550 сўмлик тушум пулларини чўнтагига урмоқчи бўлгани аниқланиб, тегишли жазога тортилди.

Ҳа, ҳар ким қилмишига ярашасини олди. Фақат бир нарсани унутмайлик: ишбилармон, тадбиркорлар учун яратилган барча имтиёзлардан элимиз фаровонлиги йўлида фойдаланмоқ лозим. Кўрнамаклик қилиб, имонни, диёнатни унутиб, виждонидан кечган нокас кимсалар эса эл назаридан қолиши тайин. Бундай тоифадаги "ишбилармон"ларга айтадиган гапимиз шу: "Кўпирсанг ҳам, тупурма".

Тўхтасин ҚУРБОНОВ,
Қизириқ туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Қатағон қурбонлари

ОТАЛАР РУҲИ...

Айтишларича, бобом Мирзо Раҳим асли Бухоро шаҳрининг "Жулбори Берун" маҳалласидан бўлиб, тақдир тақозоси билан Жиззах шаҳрига кўчиб келиб, ҳозирги эски шаҳар қисмида жойлашган мадрасанинг кун ботиш томонидан 3 гектарча ерни Бухоро тилло пулига сотиб олган. Бу ерни ўз маблағлари эвазига мардикорлар ёллаб, атрофини деворлар билан айлантириб олган эканлар. Шу ҳовли ичида талбиркорлик ила 4 та ғишт ҳумдон қурдириб, уларда сифатли квадрат ғишт тайёрлаб, Жиззах шаҳри аҳолисига, кейинчалик Жиззах уезди (вилояти) аҳлига етказиб бериш билан шуғулланиш орқали Жиззах шаҳрига саноатни олиб кирган, собиқ педагогика институти, ҳозирги қишлоқ хўжалик коллежи ўрнида ўзи ғишт заводини курган экан. Ўзининг талбиркорлиги билан бадавлат кишига айланган бобомиз, ўша давр тамойилига кўра туялар карвони билан Маккаю Мадинани зиёрат қилиш ниятида Ҳаж сафарига бориб, Ҳожи бобо бўлиб қайталилар. Унинг Мирзасалим ва Мирзо Холмат исмли ўғиллари бўлган. Мирзасалим менинг отам. У бош фарзанд сифатида кейинчалик отаси хўжалигини бошқаришни ўз зиммасига олган.

Сталин қатағони йиллари тарихда қора из қолдирди. Кимнинг мафкураси, ғояси миллий бўлса, оёғини ерга теккизмай олиб кетишар ва ном-нишонсиз йўқотардилар. Отамизни ҳам халқ душмани деб 1930 йил 30 январда НКВД қамоққа олган. НКВД қошидаги учликнинг қарорига кўра, 1938 йил 14 февралида отиб ўлдиришга ҳукм этилиб, ҳукм 1938 йил 10 мартда ижро этилган. 1957 йил 7 февралда эса Самарқанд вилоят суди томонидан отам номи оқланган.

Отам Мирзасалим Раҳимов Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар билан бир неча марта иш юзасидан суҳбатда бўлганлар. Шу боис Ф.Хўжаевдан ўрнак олиб, у кишининг маслаҳатлари билан ўзининг барча мол-мулкларини собиқ Шўролар давлатига иньом этган.

Шўролар отамни халқ душмани деб, биз фарзандларининг бошига не-не кулфатлар солмади. Қалбимизни эса мангу жароҳатлади. Бугунги ҳур замонни кўрмай кетган, шундай дориломон кунларни деб курашган отамиз руҳини шод этишни қарз деб билдим ва у кишининг ҳаётини ўргандим.

Отам Жиззахдаги собиқ "Москва" колхози ҳудудидаги қишлоқда яшаб, бу ерда қурилган мактаб пойдеворига дастлабки ғиштни ўз қўли билан қўйган. Сўнг қурилишга ўз заводида тайёрланган ғиштлардан ишлатиб, ўз маблағидан мактабни қуриб битказган.

Отамиз Мирзосалим акам Аҳмад Исмоиловни тарбиялаб, унинг "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига етишишида хизматлари сингган. Шу боис отамиз қурган бу мактабга акам А.Исмоилов номи берилган. Бунинг учун Жиззах ҳокими ва шаҳар жамоатчилигидан миннатдормиз.

Тошкентдаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда Юртбошимиз Ислом Каримов шундай деган эдилар:

"Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машақатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя".

Ҳа, отажоним ҳам кўплаб юртдошларимиз қаторида Сибир ўрмонларида ном-нишонсиз, кафансиз кўмилганлардан бири эди. Шу боис, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган... юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак...".

Ушбу сўзларни телевизорда эшитиб, хурсандчилигимдан кўзларимга дув-дув ёш келди. Чунки отам изини қидириб, ҳеч қурмаса қабрларини топарманми, деган илинжда юрардик. Кўп жойлардан "отангизнинг қабри ва у кишининг сурати ҳамда ҳужжатлари сақланмаган, номаълум" деган жавоблар олган эдик.

9 болани тарбияладим. Ҳаммамиз Чилонзордаги 4 хонали уйда яшардик. Уйни сотиб, болаларимга алоҳида уйлар олдик. Қизим Дилбар Эрсолиева (филология фанлари номзоди), ўғлим Улуғбек Эрсолиевлар мен билан бирга.

Ҳуррият РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри

Постановлением тройки НКВД Узбекской ССР от 14 февраля 1938 года по ст. 66 ч. I УК УзССР за контрреволюционную агитацию Рахимов Мирзасалим был приговорен к расстрелу. Приговор приведен в исполнение 10 марта 1938 года. Сведений о месте захоронения не имеется.

7 февраля 1957 года Самаркандский областной суд отменил постановление тройки НКВД Узбекской ССР от 14 февраля 1938 года, т.е. признал Рахимова Мирзасалима невиновным посмертно по реабилитирующим обстоятельствам.

Дополнительно проведенным розыском установлено, что Рахимов Мирзасалим во время ареста был безработным, с 1921 по 1927 годы состоял в рядах членов ВКП/б/, исключен в связи с осуждением.

Зам. начальника подразделения Службы национальной безопасности Республики Узбекистан

А.И. Мочинов

Руҳан тетик, соғлом киши ҳар қандай вазиятда ўз сўзи ва ишида ҳалол, собит яшайди, - дейди биз билан суҳбатда поликлиника бош шифокори.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган "Алжаҳонтиб сервис" хусусий поликлиникаси беморларга малакали хизмат кўрсатади. Шифохонага мурожаат қилувчилар юрак-қон томир, томоқ, бурун, қулоқ, аёллар бефарзандлиги, буйрак, тери касаллиги билан оғриган беморлардир.

Абдуқаҳҳор НАБИЕВ — поликлиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, 20 йилдн буён халқ соғлиги йўлида хизмат қилади. Оилали, 3 фарзанднинг мехрибон отаси.

ҲАЛОЛЛИК СОҒЛИҚ ДЕМАКДИР

- Абдуқаҳҳор Абдужалилович, суҳбатимизни ҳалоллик ҳақида бошласак...

- Маъқул, менга кўпинча юрак қон-томир касалига чалинганлар мурожаат қилади. Ушбу касалликка чалиниш кўпинча қаттиқ сиқилиш оқибатида содир бўлади. Юрак шундайки, у адолатсизликни кўтаролмайди. Ҳар бир одамнинг ўзига хос ахлоқий одатлари ҳам бор. Ана шундай ахлоқий одатлар йиғиндиси тиббиётда характер дейилади. Очиқ кўнгилли, хушчақчақ феъли одамлар орасида юрак қон-томир касалликлари кам учрайди.

- Ўз ташаббусингиз билан шифохона ташкил қилибсиз, бунинг учун аввало, одамда катта ишонч бўлиши, қолаверса, маблағ талаб қилинади. Шундай эмасми?

- Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз бозор иқтисодига ўтгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда хусусий секторни ривожлантиришга кенг йўл очилди. Мен ҳам ўз имкониятларим ва илмимни амалиётда синаяпман. Ҳали шифохонамизнинг иш бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, анча ишларни амалга ошириб қўйдик. Биласизми, иродали киши ўзига ишониши керак, мақсадга эришиш учун шу йўлда ҳаракат қилиш лозим. Ростгўйликни жуда қадрлайман. Поликлиникани ишга туширгунча анча қийинчиликларга дуч келган вақтларим ҳам бўлди.

Ҳозирда поликлиникамизда арзон нархларда тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Уруш фахрийларига, ногиронларга бепул тиббий ёрдам ташкил қилганмиз. Профессор-консультантлар, тиббиёт фанлари номзодлари, олий тоифадаги врачлар муолажаларни олиб боришади.

- Келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

- Мақсадларимиз жуда кўп. Поликлиникамизда жарроҳлик, тиш даволаш ва қўйиш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларини очиш ниятидамиз. Доимо халқимиз хизматида бўлиш, хасталикларнинг олдини олишда тинмай изланиш, ўқиш-ўрганиш эзгу орзуимдир. Мен ҳам инсонлар орасида иккита ҳақиқий бахтсизликнинг гувоҳиман. Бири виждон азобидан қийналиш бўлса, бири хасталик азобидир. Виждон азоби ҳар кимнинг ўз турмуш тарзидан келиб чиқиб, ўзи ҳал қиладиган ҳолатдир. Хасталик азобидан қутулишнинг иложи бор. Бунинг учун бизнинг шифохонамизда муолажа учун етарли шарт-шароитлар ташкил қилинган.

- Газета ва журналимиз муштарийларига тилакларингиз...

- Албатта, мен севиб ўқийдиган газеталар ичида "Инсон ва қонун" газетаси ҳам бор. Газетада ёритилаётган хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид материаллар мени жуда қизиқтиради. Ҳуқуқий мавзудаги масалалар ҳар бир тадбиркорга ҳозирги кун шароитидан келиб чиқиб, ҳуқуқий онгининг ошишида ёрдам беради. Шу сабабли ходимларимиз айнан "Инсон ва қонун" газетасига обуна бўлдилар. Фурсатдан фойдаланиб, таҳририятингиз ходимларига ҳуқуқий йўналишдаги мавзуларни ёритишда мустаҳкам соғлиқ тилайман. "Алжаҳонтиб сервис" эшиклари халқимиз учун доимо очиқ.

- Суҳбатингиз учун раҳмат. Беморларга шифо беришдек масъулиятли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Суҳбатдош:
Қаҳрамон ҲУСАНОВ

Шу сонга хабар

МУНОСИБ ТУҲФА

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлимининг янги биноси очилиш маросими бўлиб ўтди.

- Замонавий, кўркам ва барча қулайликларга эга бу муҳташам бинонинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши шаҳар ва туман ҳокимликлари, қурилиш ташкилотлари ҳамда шаҳар адлия бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлиги самарасидир, - деди бизга шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г.Иноможонова. - Пойтахтдаги М.Улуғбек, А.Йкромов, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой, Сирғали, Миробод каби туманлар ФҲДЁ бўлимлари, 1-сонли "Шодлик" никоҳ уйи ҳамда никоҳ ва оила маросимлари Маркази ҳозирги давр талаби даражасида кўркам биноларда фуқароларимизга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тантанали маросимда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Р.Акромов, Чилонзор туман ҳокими Ш.Қосимов, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Содиқова, Республика Адлия вазирлиги ва шаҳар адлия бошқармасидан вакиллар иштирок этдилар.

О.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Суратда: ФҲДЁнинг очилиш маросими

Обуна-2001

Бўлай десанг ҳар доим мамнун, ҳамроҳ бўлсин "Инсон ва қонун"!

Муҳтарам муштарий!

Ҳаётингизда ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда Сизга яқин ёрдамчи, маслаҳатчи ва таянч бўладиган республикамизда ягона ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газета "Инсон ва қонун"дир.

Унга шу йил 1 октябрдан бошлаб барча алоқа бўлимлари ва шахобчаларида обуна бошланди.

Кеч қолманг! Сўнг афсусланиб, армонда қолманг! Газетамиз уйингизга, иш жойингизга кириб боришига нима етсин!

Нашр кўрсаткичи:
якка обуначилар учун - 137
ташкилотлар учун - 138

ҲАЁТда ҚОНУН ҳимоя бўлсин десангиз:

Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шаклланишида энг яқин дўстингиз - "Ҳаёт ва қонун" юридик журналига 2001 йил учун обуна бўлинг!

"Ҳаёт ва қонун" ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр кўрсаткичи:
якка обуначилар учун - 902
ташкилотлар учун - 903

Тадбир

"ТАЛАБАЛИК - ОЛТИН ДАВРИМ"

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда ўқитиш ишлари билан бирга турли анжуман, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларнинг аҳамияти катта.

Яқинда 10 ноябр - Бутунжаҳон ёшлар куни муносабати билан ҳамда 17 ноябр - Бутунжаҳон талабалар куни олдидан Тошкент Давлат Юридик институти маъмурияти "Баҳор" концерт залида "Талабалик - олтин даврим" деб номланган тадбир ўтказди.

ТДЮИ проректори Даврон Ахмедов талабаларни ҳар иккала байрам билан табриклаб, Президент стипендияси соҳибаси Мухлисахон Жумаева, Навоий стипендияси соҳибалари Наргиза Файзиева ҳамда Дилдора Ҳайитбоеваларга пул мукофоти ва фахрий ёрлиқлар топширди. Институт ўқув телевидениесини ташкил қилишда фаол қатнашган фидоий ёшларга раҳбарият номидан миннатдорчилик билдирди. Тадбир ташкилотчиларидан бири, институт Маънавият ва иаъриф бўлими бошлиғи Ҳулкар Орипова ҳам талаба ёшларни самимий қутлади.

Шундан сўнг 2-ҳуқуқ факультети декани Сотволди Бобоқулов сўзга чиқиб, давлатимиз қудрати, тараққиёти илмли, баркамол ёшлар қўлида эканлигини, буни улар тўла англашлари лозимлигини таъкидлади. У ёшларни табриклаб, биринчи курс талабаларига талабалик гувоҳномаларини, шунингдек, турли тадбирларда фаол қатнашган талабаларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Ушбу тадбирга ўзгача файз киритган истеъдодли санъаткорлар ва ижодкор талабаларнинг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

О.НАРЗУЛЛАЕВ,
ТДЮИ талабаси

Сурхондарё вилоят почта ҳиссадорлик жамияти раҳбарларига

ҲАҚИ-КУ ОШДИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ-ЧИ?

Ҳамма ҳам газета-журналлар, хату хабарларни ўз вақтида олишни истайди. Чунки обуначи хизмат ҳақини бошқармангизга бир йил илгари тўлаб қўйган. Кейинги олти ой мобайнида Бойсун туманига вақтли матбуот нашрлари, хат-хабарларнинг қай аҳволда келишини обдон кузатдим. Кўп марта қўлимга қалам олдим... аммо биз ўзбекларда андиша деган қадимий ақидалар бор. Илло пичоқ суякка етиб боргач...

Бойсун туманига ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари вақтли матбуот нашрлари, хат-хабарлар Термиздан олиб келиниши қатъий график асосида белгиланган. Аммо 2000 йил бошидан шу кунгача бу белгиланган график қўпол равишда бузилмоқда. Баъзан ҳафталаб алоқа юклари келмай қолади. Почта ҳиссадорлик жамияти ходимлари вақтли матбуот нашрлари, хат ва хабарларни жўнатишнинг янги "усул"ларини кашф этишди. Агар келгуси ҳафтанинг бирон кунида вилоят марказида йиғилиш ўтказиладиган бўлса, тумандан борадиган вакиллар орқали почтани юборишади. Бир неча кунлар ўтса ҳам шу "усул" қўлланилди. Иккинчи "усул"да хат-хабарлар, газета ва журналлар Термиз-Бойсун йўналишида (қонунга зид) қатнайдиган йўловчи автобусларда жўнатилади (агар бирон нарса йўқолса, ҳеч ким жавоб бермайди).

Бу таъна қилинаётган "усул"ларнинг барчасига ўзим гувоҳман. Чунки ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари кундузи соат 3-4 ларда келадиган почтани шахсан бориб кузатаман (истиқомат қилаётган уйим шундоқ марказий почта орқасида). Июл ойида Термиз-Бойсун йўловчи автобуси билан юборилган газета ва журналлар автобус бекатидаги чипта сотувчисининг хонасида икки кун ҳеч кимнинг бехабарлиги оқибатида қолиб кетган.

Шу йилнинг биринчи августидан хизмат ҳақи яна ошди. Аммо 4, 7, 9 август кунлари вақтли матбуот нашрлари Бойсунга олиб келинмади. Шахсан ўзим 5 август куни муҳарририятга юборган хатни 10 август куни алоқа уйидан қайтариб олдим. Нега дейсизми? Почта келмаган, 45 сўм тўлаб юборган хатим алоқа бўлимида 4 кун ётибди. Сабаби, алоқа машинаси Термиздан келмаган эмиш. Қачон келиши ҳам номаълум экан. Энди ўйлаб кўринг, бор-йўғи бир қадам нарида жойлашган алоқа бўлимига мактуб ташласангу у бу ерда 3-5 кун туриб қолса, бундай хизматнинг нархи неча пул? Ўтган ойда ҳам ҳақини тўлаб, буюртмали хат қилгандим. 8 кун алоқа бўлимида қолиб кетди. Сабаби эса бир ҳафта Термиздан хат-хабар, вақтли матбуот нашрлари олиб келадиган алоқа машинасининг келмаганлигидадир. Кўнгил бузилмаса, кўзга ёш келмас экан. Ҳар қандай баҳона-ю, сабаблар бир ҳафта, борингки, икки ҳафта бўлар. Олти ойдирки, Бойсунга олиб келиниши лозим бўлган вақтли матбуот нашрлари, хат-хабарлар графиклари қўпол равишда бузилиб, уни яхшилашни ҳеч ким ўйламаётганга ўхшайди.

Ҳафталаб почта келмаса, хат-хабарлар ҳафталаб алоқа бўлимида қолиб кетса, ҳукумат қабул қилган шу соҳадаги қарорларнинг ижроси нима бўлади?

Собир ЁДИКОВ,
журналист

Ханда

"ЭРТАЛАБ АЙТАМАН"

"Отиб" олган эр ярим кечада уйга қайтди ва ғазаб отига минган хотинига секин шивирлади:

- Азизим, мен бир нарса топдим. Эрталаб айтаман.

Эрталаб хотини бетоқат бўлиб сўради:

- Қани, кеча сен нима топиб олдинг?

- Хаёлингга ҳам келмайди: янги пивохона очилибди...

Жиноятга жазо муқаррар

ДУГОНАЛАР "ОВ"ГА ЧИҚДИ

1959 йилда туғилган Маҳбуба Дўсматова ва 1968 йилда дунё юзини кўрган Марҳабо Исмановалар энг яқин дугона. Иккови ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Иккининг ҳам 4 нафардан иборат фарзанди бор. Яна ўхшаш томони шундаки, иккови ҳам бева. Энди савол туғилади. Ҳеч қаерда меҳнат қилмасдан қандай яшаш, фарзандларни қандай қилиб едириш, ичириш ва кийинтириш, қолаверса, тарбиялаш мумкин?

Бу саволлар ақли расо кишини ўйлантирмай қолмайди. Ушбу саволлардан бизнинг ҳам бошимиз қотди. Фарзандли оналарга раҳмимиз келгандай бўлди. Афсуски, улар томонидан амалга оширилаётган қинғир ишлардан огоҳ бўлгач, дугоналарга нисбатан нафратимиз ошди. Уни қарангки, бу аёллар ўғирликни касб қилиб олиб, шу ҳисобга фарзандларини боқишаётгани аён бўлиб қолди. Дугоналар ўғриликни кўпроқ тунда — ҳамма уйқуга кетган вақтларда амалга оширишар экан.

Мана, улар чуғурлашиб ўтирган фарзандлари олдида навбатдаги ўғирлик режасини тузишмоқда. Дугоналар узоқ фикр юритиб шаҳарнинг Фозиев кўчасидаги 7-уйга ўғирликка киришга келишишди. Бу уйда Тўхтахон Сатторова истиқомат қилади. Хонадон соҳибасининг савдо-сотиқ билан шуғулланиши, баъзи кунлари уйида бўлмаслиги ҳам дугоналарга яхши маълум. Шу сабаб 7-уй бекорга нишонга олинмаган эди.

1999 йилнинг 21 сентябр куни. Соат 22 лар чамаси. Маҳбуба ва Марҳабо фарзандларини ухлатиб бўлгач, эшикни аста ёпиб тунги "ов"га чиқишди. Фозиев кўчасидаги 7-уй олдига келишди. Кўча томон деразаларидан ҳовли ичига разм солишди. Ҳамма томон қоронғу. "Демак Тўхтахон йўққа ўхшайди. Айни муддао. Тезроқ мақсадни амалга ошириш керак. Вақт кутиб турмайди", ўйлашди дугоналар. Сўнг девор оша ҳовлига тушишди. Уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, икковлон "кенг уйининг келини"дек бемалол ҳаракат қилишди. Жавон ва сандиқларни очишиб, титкилашга тушишди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилишди. Турли рангдаги виллурдан тикилган кўрпа, тўшак, кўрпача ғилофлари, хрустал, атлас материаллари, турли кийимларни қопга жойлашиб, бу ердан жами баҳоси 346200 сўмлик буюмларни ўғирлаб, чиқиб кетишди. Ўмарилган нарсалар тўғри М.Дўсматованинг уйига олиб борилиб, бу ерда ўзаро тақсимланади. Икковлон ўғирлик молларни бозорларда тижоратчиларга сотишиб, пулини ўзлаштиришади.

Ишламай топилган даромаддан мазахўрак бўлиб қолган дугоналар октябр ойида яна тунги "ов"га чиқишади. Бу сафар улар 19-сонли болалар боғчасини нишонга олишди. Илк ёшлилар хонасига осонгина киришиб, бу ердан баҳоси 6390 сўм бўлган 15 дона чойшаб, 210 сўмлик 10 дона коса, баҳоси 450 сўм бўлган 10 дона пиёла, баҳоси 750 сўм бўлган бир дона сирли чойнак, нархи 1500 сўмдан бўлган 2 дона гилам-палос, 7530 сўмлик 8 метр гилам шолча ва бошқа жами баҳоси 19070 сўмлик мулкни ўғирлашади. Виждонсиз аёллар бу хўжалик буюмлари кичкинтойларга хизмат қилажагини ўйлашмади ҳам.

Шу тариқа Маҳбуба ва Марҳабо ўғирлик фаолиятларини давом эттириб, тунларнинг бирида 47-ўрта мактаб ошхона дарвозасини синдириб, ичкарига киришади ва умумий баҳоси 5925 сўм бўлган овқат пиширишга мўлжалланган 5 дона алюмин идиш ва бир дона сирли пақирни олиб чиқиб кетишади. Туман тайёрлов савдо харид ҳиссадорлик жамияти омборхонасига улар катта умид билан ўғирликка кирадилар. Лекин қўлга илинадиган бирор нарса тополмагач, нархи 2220 сўм бўлган 30 кг оқшоқ ва баҳоси 5960 сўм бўлган 170 жуфт ишчи қўлқопига қаноат қилишга мажбур бўлишади.

Батамом инсоф ва диёнатни, "бу бировнинг ҳаққи" деган тушунчаларни унутган ҳамтовоқлар 17-болалар боғчасига тунда "ташриф буюриб", у ердан 15 кг макарон, 40 дона тухум, 36 кг шакар, 3 кг пахта ёғи, 35 дона кир совун ва бошқа жами 61186 сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти, буюм ва хўжалик молларини ўғирлаб кетиб, ўртада "арра" қилишади. Савол туғилади: ахир, бу кимсаларнинг иккови ҳам она-ку?! Болакайларнинг еб турган овқатини ўғирлашга уларнинг виждони қандай йўл қўйди экан? Ўғирланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз дастурхонига қўйишга улар қандай ботинишар экан? Қолаверса, ўғирлик таом еб катта бўлган фарзандларидан нима кутиш мумкин?

Биз ҳикоя қилган дугоналар "ов"имиз ўнгидан келаяпти, деб қаттиқ адашишди. Улар милиция ходимлари қўлига қандай қилиб тушишганини билмай қолишди. Тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида аёллар айбларини тан олишди. Ўғирлик жиноятлари учун Марҳабо Исманова ва Маҳбуба Дўсматовалар туман судининг ҳукми билан 6 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилдилар.

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,
Чортоқ туманлараро прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

Талаба, аҳвол қандай?

ШИРИН ТАОМЛАР ВА БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

Яқинда ана шундай ошхоналарнинг нақд саккизтасига ("Талаба-таом" жамоа корхонасига) ажойиб ва дилкаш, тадбиркор ҳамда ишбилармон раҳбар Зоҳиджон Алиев бош-қош. Шуҳрат Маматқулов, Рустам Раҳматов, Зулфия Маҳкамова, Ҳабиба Расулова, Анвар Ҳошимов, Муҳайё Аютова, Тоҳир Абдураҳмонов каби бош ошпазларга-да Зоҳиджон ака ҳар ишларига бақамти. Мақсад талабаларни сифатли ва энг арзон таомлар билан сийлаш. Айтайлик, паловнинг нархи 180 сўм бўлса, чучваранинки 140 сўм. Агар таъбингиз сомса деб турса, 2 дона олиб тановвул қилсангиз бас. Берган 100 сўм пулингизга ҳеч қуймайсиз.

- Режалар қандай бажарилаяпти? - деб сўрадим Зоҳиджон акадан.

- Менинг режам — шу ошхоналардан биронта талаба хафа бўлиб чиқиб кетмаслиги керак ва бошқа хизматчилардан ҳам шуни талаб қиламан.

- Хизматчилар кўпдир-а?

- Ҳа, албатта. Жамоамизда 92 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси жуда хушмуомала.

Ошхоналарни бир-бир айланиб чиқдим. Ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ширин таомларга қўшиб, бир чимдим кулги-ю, яна ширин забонни дариғ тутмасдан талабаларга таом улашарди.

Ҳаммаёқ топ-тоза. Супурилган-сидирилган. Кўнглим тоғдек, юксакликларга ўрлади. Сув берган — савоб, дейдилар. Таом берган эса ундан-да савоб бўлса, не тонг.

Корхонадан қайтар бўлдим. Шунда Зоҳиджон ака мендан сўрадилар.

- Ака, кечирасиз ўзингиз кимсиз?

- Менми... Мен...

Камолиддин МИНГБОЕВ,
ЎзМУ талабаси

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
Р. САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
М. БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 1.
Тел: 133-24-44, 132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1999 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.